

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 35-2017**

Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (15-20 май кунлари)

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19 май куни амалий ташриф билан Туркменистонга келди.

Туркманбоши халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Туркманбоши шаҳрида ўтадиган учрашув ва музокаралар Президентимизнинг жорий йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи доирасида ўтган олий даражадаги мулоқотнинг мантикий давоми бўлиб, уларда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама қилинади, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади. Икки давлат Президентларининг музокаралари якунида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли тижорат шартнома ва битимлар имзоланиши кутилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Аваза» миллий сайёҳлик зонасининг «Камалак» болалар кўнгилочар боғида ўзбекистонлик болалар билан учрашди.

Жорий йилнинг май ойи бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқотида Туркменистон Президенти Каспий соҳилидаги болалар соғломлаштириш марказлари ўзбекистонлик болаларни қабул қилишга тайёрлигини билдирган эди.

Ушбу таклифга биноан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 100 нафар бола “Даянч” болалар соғломлаштириш марказига юборилди. Шавкат Мирзиёев болалар билан дам олиш таассуротлари, туркменистонлик тенгдошлари билан дўстлик муносабатлари тўғрисида суҳбатлашди, соғломлаштириш марказида яратилган шароитлар билан қизиқди. Болаларга совғалар берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ
КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ БЎЛДИ**

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада мамлакатларимиз ўртасида иқтисодийнинг турли соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарларига жорий йилнинг март ойида Президентларнинг музокараларида эришилган келишувлардан самарали фойдаланиш, уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифалари топширилди. Маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасини абадийлаштирилиш мақсадида Туркманобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Ислом Каримов номи берилгани ва бу кўчада Юртбошимиз ҳайкали очилгани туркман элининг халқимизга ҳурмат ва эҳтиромининг ёрқин намунаси бўлди. Ислом Каримовнинг мазкур ёдгорлик мажмуига битилган «Биз кадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир» деган сўзлари ўзбек ва туркман халқларининг мақсад ва ниятини ифода қилади. Куни кеча Тошкент шаҳри марказида буюк туркман шоири Махтумқули хотирасига ёдгорлик ўрнатилгани ва унинг номидаги кўча очилгани халқларимиз ўртасидаги қадимий қардошлик ришталари доимо мустаҳкам эканининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДА ЎЗARO MANFAATLI ХУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давомида қатор муҳим келишувларга эришилди.

Музокаралар якунида икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида нефть-газ, энергетика, фан-таълим, экология, транспорт-логистика, туризм ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор хужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар истиқболда Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишини таъкидладилар.

Туркменистон Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда буюк шоир Махтумқули таваллуди куни муносабати билан туркман халқини табриклайман. Шоир таваллуди Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди, унинг номидаги кўча ва ёдгорлик очилди. Биз шу кўчада Ашхобод боғини ташкил қиламиз, бу икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг рамзи бўлиб

колади, деди Шавкат Мирзиёев. Музокарада ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олдик.

Туркменистон ва Ўзбекистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам изчил ҳамкорлик қилинмоқда, деди Гурбангули Бердимухамедов. Бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг кўламини кенгайтириб, унинг ривожига янги суръат бахш этади. Туркманобод-Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг очилиши самарасида юк ташиш кўрсаткичи 2,5 баробар ортгани қайд этилди. Музокараларда мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун қатъий хоҳиш мавжудлиги, давлатларимиз ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

ПРЕЗИДЕНТЛАР ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШДИЛАР

Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги шерикликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи доирасида эришилган келишувларнинг амалий натижалари кўламини янада кенгайтириш, ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар. “Аваза” худудида учрашаётганимиз бежиз эмас, деди давлатимиз раҳбари. Ўзбекистон Туркменистон портлари орқали Каспий денгизига, халқаро транспорт йўлакларига чиқишни мақсад қилган. Икки давлатнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро муаммолар борасида бир-бирини қўллаб-қувватлаши, турли таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашувларнинг ўхшашлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш тарафдори. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий

Осиёда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 май куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн раҳбарлигидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши делегациясини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Сухбат чоғида Президентимизнинг яқинда Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташрифи давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, чунончи, савдо, инвестиция ва маданий алоқаларни жадаллаштириш, шунингдек, биродарлашган қадимий Самарқанд ва Сиань, Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида сайёҳлар алмашишга алоҳида эътибор қаратилди. Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотларни юқори баҳолади. Ван Чэн Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шерикликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида икки мамлакат парламентлариаро кенг кўламли ҳамкорликка Хитой томонининг манфаатдорлиги ва тайёрлигини таъкидлади.

ВАН ЧЭН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи ўзаро стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтарди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакат парламентлари делегацияларининг учрашувлари мунтазам ўтказилаётганини қайд этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 13 май куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси Чжан Дэцзян билан учрашуви парламентлараро алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди.

Хитой делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари, фракциялари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти билан таништирилди. Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишлари, ахборот-таҳлилий фаолият, икки мамлакат соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда халқаро анжуманлар ташкил этишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. – Ўзбекистон Европа билан Осиёни боғловчи ўзига хос кўприк, иқтисодий-ижтимоий соҳада улкан ютуқларга эришаётган, табиий ресурсларга бой мамлакатдир, – деди Ван Чэн. – Хитой Ўзбекистонни ишончли шерик, деб билади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, туризм, таълим каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид келишувларга эришилди, ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Ўзбекистоннинг «Бир макон, бир йўл» лойиҳасида иштироки икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдормиз. Давлатларимиз раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни ишга соламиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда Ўзбекистон ва Хитой парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама этилди. Меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, Олий Мажлис Сенати фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Ван Чэн Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барча соҳаларда янада улкан ютуқларга эришишида, мамлакатнинг изчил тараққий этишида ҳуқуқий асос эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида 2011 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисида меморандум ўзаро алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Ҳар томонлама изчил ривожланиб бораётган

стратегик ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳужжатни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Парламентлараро муносабатларни ривожлантиришнинг жорий босқичи юқори баҳоланиши таъкидланди, ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр, тажриба ҳамда ахборот алмашиш жараёнини янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ “КАМОЛОТ” ОРОМГОҲИДА ФАОЛ ЁШЛАР МАҲОРАТ ОШИРДИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳида “Ҳаракатдаги ёшлар” форуми бўлиб ўтди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамкорлигида ташкил этилган форумда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий кенгашлари раислари ўринбосарлари, тизимдаги матбуот хизмати мутахассислари, ёш репортёрлар, “Ёшлар – сиёсат билимдони” клублари координаторлари, тажрибали журналистлар, тегишли соҳалар бўйича мутахассислар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун яратилаётган шароитлар юксак самаралар бераётир. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб эркин ва очиқ фуқаролик жамияти куриш, жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, демократик кадриятларни ёшлар онгига чуқур сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, истиқболда бу йўлда ёшлар фаолиятини янада жонлантириш муҳим экани қайд этилди. – Уч кун давом этган форум доирасида ёш журналистлар учун медиа-тренинг ҳамда “Ёшлар – сиёсат билимдони” клуби координаторлари учун ўқув оромгоҳи ташкил этилди, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳалар бўлими мудир Илём Раҳимов. – Ҳаракатнинг худудий кенгашлари раислари ўринбосарлари, тизимдаги матбуот хизмати мутахассислари, ёш репортёрлар ҳамда “Ёшлар – сиёсат билимдони” клублари координаторлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган форумда 160 иштирокчи қатнашаётгани форум кўлами кенгаётганини кўрсатади.

Медиа-тренингда ёш журналистларга матбуот хизмати мутахассисларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшларга оид масалаларни ёритиш бўйича тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришга мўлжалланган медиа лойиҳаларни ишлаб

чиқиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар тарғиботида нималарга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тушунтирилди.

“Ёшлар – сиёсат билимдони” клуби координаторлари ўқув оромгоҳи маҳорат дарсларида эса “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги имижини яратиш масалалари, нутқ маданияти ва нотиклик санъати, тақдирот ўтказиш ва аудитория билан ишлаш каби мавзуларда машғулотлар олиб борилди. – Форум доирасида ташкил этилган машғулотларда билимимизни янада бойитдик, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари С.Мусулмонов. – Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини олис қишлоқларда, чекка ҳудудларда тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини ўзим учун белгилаб олдим.

Форум иштирокчиларига сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ЭРОННИНГ АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТИ РУҲОНИЙ ИККИНЧИ МУДДАТГА САЙЛАНДИ

Эроннинг амалдаги президенти Ҳасан Руҳоний сайловлар якунларига кўра иккинчи муддатга қайта сайланди, деб хабар бермоқда Reuters.

Мамлакат давлат телевидениеси уни ғалаба билан табриклади. Бироқ сайловчилар овози ҳамон ҳисоб-китоб қилинаётгани айтилган.

Сўнгги маълумотларга кўра, Руҳоний 22,7 млн. овозни олган бўлса, унинг энг яқин рақобатчиси – Эрон собиқ бош прокурори Иброҳим Раисий – 15,4 млн. овоз тўплади.

2013 йилда Руҳоний 50,68 фоиз овоз тўплаган. Ўшанда у сайловларнинг биринчи туридаёқ керакли овозни олиб, ғалаба қозонганди.

Эрон олий диний раҳнамоси оятуллоҳ Али Ҳаманей Руҳонийни биринчи президентлик муддатидаги алоҳида хатти-ҳаракатлари учун танқид қилган, бироқ айнан Руҳоний жаҳон давлатлари билан ядро битимига эришди.

ҚИРҒИЗИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА РУС ТИЛИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА АЛМАШТИРИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Қирғизистонда бир неча йилдан сўнг иккинчи тилга рус эмас, балки инглиз тили айланади. Кўпроқ эътиборни инглиз тилини ўрганишга қаратиш лозим. Бу ҳақда депутат Азамат Арапбоев маълум қилди.

«Ҳукумат инглиз тилини мактаб дастурига биринчи синфдан киритиш масаласини кўриб чиқиши лозим, бунинг учун эса ўқитувчилар сонини кўпайтириш лозим. Бу йўналишда ОТМларда грант жойлари сонини ошириш керак», — дея айтиб ўтди депутат.

Парламентарийнинг билдиришича, бу ҳолда Қирғизистон 6-7 йилдан сўнг инглиз тилида гаплашадиган давлатлар орасига бемалол кириши мумкин.

«Агарда ўсмирлар инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўрганишни бошлаганида, қарийб 750 минг фуқароларимиз Россияда эмас, балки Европада ишларди», — дея таъкидлаб ўтди Арапбоев.

Regnum ахборот агентлигининг эслатишича, расмий маълумотларга кўра, Қирғизистон фуқароларининг 76,5 фоизи қирғиз тилида эркин гаплаша олса, 48,1 фоизи – рус, 1,1 фоизи эса – инглиз тилида бемалол мулоқотга кириши мумкин. Шу билан бирга, бу давлатдаги мактабларнинг 64 фоизи қирғиз тилидадир.

ЕОИИ ВА ЭРОН ЎРТАСИДА ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДАЁҚ КИРИТИЛИШИ МУМКИН

Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Василий Небензянинг РИА Новости'га берган интервьюсида маълум қилишича, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Эрон ўртасида эркин савдо зонасини ташкил этиш бўйича музокаралар 11 октябрда, олий даражада ўтадиган кейинги учрашувда яқунланиши мумкин.

«ЕОИИнинг олий даражадаги кейинги учрашуви 11 октябрга мўлжалланган. Бизнинг тахминимизча, ўша вақтга қадар музокараларни яқунлаймиз ва ЕОИИ ҳамда Эрон ўртасида эркин савдо зонаси ҳақидаги вақтинчалик битимни имзолаш жараёнига киришамиз», — дея айтиб ўтди у.

Дипломатнинг сўзларига кўра, ЕОИИ ва Эрон ўртасида вақтинчалик зона борасидаги музокаралар давом этмоқда. У томонлар апрелда ўз позицияларини мувофиқлаштира олмаганликларидан афсусда эканини билдирди.

«Савдо музокаралари ҳар доим жуда мураккаб... Бизнинг тахминга кўра, бу иш 11 октябрга яқунланиши лозим», — дея аниқлик киритди Небензя.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.